

«Ўздавнефтгазиспекция» ходимларининг касб этикаси ва маданияти.

Бутунги кунда республикамиз ҳаётида юз бераётган барча ижтимоий - иқтисодий, сиёсий - ҳуқуқий ва маънавий – маданий ўзгаришлар курилаётган одил жамият учун ҳар томонлама ва чуқур билимга эга бўлган, жисмонан соғлом, ахлоқан пок, маънавий етук инсонларга бўлган улкан эҳтиёжни келтириб чиқармоқда.

«Ўздавнефтгазиспекция» тизимида ишлайдиган ходимлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз фуқароларнинг назорат қилувчи органларга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди.

Шундай экан, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш жараёнини, унинг келгусидаги тараққиётини ватанпарвар, имон-эътиқодли, меҳр-оқибатли, ўз касбини сеувчи, юксак маданият соҳиби бўлган кишиларсиз тасаввур этиш қийин.

Буюк келажагимизнинг ана шундай бунёдкорлари ва эгаларини тарбиялашдек масъулиятли масаланинг ҳал этилиши, *биринчидан*, назорат қилувчи органлар зиммасига жисмоний ва юридик шахсларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятни қонун доирасида ташкил этишни такомиллаштириш вазифаларини юкласа, *иккинчидан*, ўз сафларини сиёсий жихатдан етук, ахлоқан пок, касбига садоқатли, қийинчиликлардан кўрқмайдиган юқори малакали мутахассислар билан мунтазам равишда тўлдириб боришни ҳамда касбий фаолиятида ножўя ҳаракатлар содир этган маънавий ва ахлоқий жихатдан нопок ходимлардан доимий равишда тозалаб туришни тақозо этади.

«Ўздавнефтгазиспекция» ходимларининг касб ахлоқи ўз касбларидаги кадр-қиммат, ҳалоллик ва покликни мустаҳкамлаш учун ҳам зарурдир.

Қуйидаги тамойиллар «Ўздавнефтгазиспекция» ходимлари касб этикасининг асосий мезони ҳисобланиши лозим.

1. Қонунийлик - Конституцияда, қонунларда, Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган ва белгиланган ҳуқуқ нормалари

талабларини оғишмай амалга ошириш, ўз хизмат вазифасини қонунийликка асосан бажаришда муҳимдир.

2. Жамоатчилик - биринчидан, тарбиялаш, умумий ахлоқ тамойиллари ва нормаларини амалга ошириш, иккинчидан, соғлом ахлоқий-руҳий ҳолатни вужудга келтириш, учинчидан, меҳнат ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш, тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ахлоқий фаоллигини ошириш, бешинчидан, бошқариш ишларини такомиллаштиришдир.

«Ўздавнефтгазинспекция» ходимининг касб ахлоқи унинг юриш - туриши, атрофдагилар билан муносабати, айниқса, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш жараёнида асосий мезонни эгаллайди.

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида қуйидагиларга муҳим амал қилиш лозим.

Юриш - туриш одоби ва унинг аҳамияти.

«Ўздавнефтгазинспекция» ходимларининг ташқи кўриниши, юриш-туриши биринчидан, унинг ички маданияти, тиришқоқлиги, хизматга шайлиги, интизомлилиги, ўз касби ва атрофдагиларга муносабатини билдирувчи, иккинчидан жисмоний ва юридик шахслар ва ўз ҳамкасбларининг ишончига сазовор қилувчи, учинчидан, инсонга эстетик завқ берувчи, тўртинчидан, атрофдагиларга ахлоқий - руҳий таъсир ўтказиб тарбияловчи бўлиши лозим.

Ходимларининг кийиниш этикаси.

Кийиниш этикаси қоидаларининг асосий мақсади – “Ўздавнефтгазинспекция” ходимларининг кийиниш маданияти, ташқи кўриниши, юриш-туришини одоб-ахлоқ қонун-қоидаларига мос келтириш орқали жисмой ва юридик шахсларнинг давлат идорасига бўлган ҳурмат ва ишончини ва иш самарадорлигини оширишдан иборат.

Масъул ходим биринчи навбатда, инспекциянинг обрўсини сақлаши, шу идора манфаатлари учун қайғуриши лозим.

Ходимларнинг ташқи кўринишига асосий талаблар :

- кийиниш услуби одми ҳамда иш услубига монанд бўлиши зарур;

- кийим тоза, дазмолланган, атрофдагиларни ўзига жалб қиладиган турли хилдаги безакларсиз бўлиши лозим;

- танланган пойафзал ходимнинг кийимига мос бўлиши керак.

Эркак ходимларнинг ташқи кўринишига қуйилган талаблар:

- кенг свитерлар, гулдор ва ранг-баранг кўйлақлар, футболкалар, спорт услубидаги кийимлар ва пойафзаллар, жинси матосидан тикилган шимлар, шорталар, шунингдек соқолни ўстирган ҳолда ишга келиш мумкин эмас;

- костюм ранги ёрқин бўлмаслиги ва асосан тўқ рангларда бўлиши тавсия этилади;

- шимларнинг классик узунлиги пойафзални олд ва орқа қисмини ярмини ёпиб туриши лозим.

- ходимларнинг соч турмаги тартибли, ўрта узунликда ва таралган бўлмоғи лозим.

- ходимлар бўйинга турли хил занжир, бармоғига (никоҳ узугидан ташқари) узук тақиши ва баданнинг кўринарли қисмига турли хил татуировка тушириши тақиқланади.

Этика қоидаларига кўра эркак киши ҳар доим пиджак кийиб юриши лозим (об-ҳаво иссиқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно бўлиб, унда галстуксиз калта энгли кўйлақ кийиш мумкин).

Эркак ходимларнинг оёқ кийими тўқ рангда бўлиб, пиджак ҳамда шимнинг рангига мос келиши лозим. Тавсияга кўра қора рангдаги туфли ҳар қайси кийимга мос келади.

Кийимининг стандарт жамламаси классик услубдаги пальто, куртка, плаш, костюм, пиджак, пиджак рангига мос келувчи тўқ рангдаги шим, кўйлақ, жилет, кўйлақ ва пиджак ранги ҳамда чизиқларига мос келувчи галстук, бир хил рангдаги пайпоқ, туфли, классик услубдаги этикдан ташкил топиши лозим.

Аёл ходимларнинг ташқи кўринишига қуйилган талаблар:

- об-ҳаводан қатъий назар либос энгсиз ва елка қисмини очиб турмаслиги ҳамда танани шаффоф кўрсатиб турувчи юпқа матодан тикилган бўлмаслиги зарур (кўйлақ энгининг узунлиги камида 10 см бўлиши керак);

- тор юбка, калта ва чуқур кесикли бўлмаслиги лозим (юбканинг классик узунлиги оёкнинг тизза қисмини ўртасигача бўлиши керак);

- жинси матосидан ва спорт услубида тикилган кийимлар, шорталар, танага ёпишиб турадиган шимлар кийиш мумкин эмас;

- танага тор ёпишиб турадиган кўйлақлар, футболкалар, ёзги майкалар (агар устидан костюм кийилган бўлмаса), олд қисми чуқур ўйилган кофта ва кўйлақлар, қорин қисмини очиб турадиган кофталар, турли хил рангли, ёзувли, одамлар сурати ва ҳайвонлар расми туширилган матолардан тикилган кийимлар кийиш мумкин эмас;

- саёҳат ҳамда спорт услубидаги пойафзаллар кийиш мумкин эмас;

- катта ҳажмдаги, жуда кўп ва ёрқин ҳамда шовқинли овоз чиқарувчи тақинчоқлар, ўта бачкана аксессуарлар, турли хил патлар, бантларнинг иш кийимларига тақилиши тавсия этилмайди;

- инспекцияда ишлайдиган хотин-қизларнинг бўяниши ўта ёрқин бўлмаслиги, соч турмаги эса ораста бўлиши ва бошқаларнинг эътиборини тортмаслиги лозим;

- турли хил ўткир ҳидли орасталовчи воситалардан ҳам меъёрида фойдаланиш зарур.

Шунингдек, аёллар томонидан ишда кийиладиган кийимга қуйидаги алоҳида кўрсатмалар тавсия этилади:

- масъул лавозимдаги аёл ходим кийимининг стандарт жамламаси қуйидагилардан ташкил топиши мақсадга мувофиқ: классик услубдаги пальто, куртка, плаш, костюм, жакет, юбка ва шимлар, бир хил рангдаги кофта ва блузкалар, 4-5 сантиметр баландликдаги туфли, классик услубдаги этик;

- заргарлик буюмлари ва тақинчоқлар танланган либосга мос бўлиши лозим.

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида **жисмоний ва юридик шахслар билан муомала қилиш маданияти** алоҳида аҳамият касб этади.

1. Ҳар бир ходим хизмат бурчини бажаришда, энг аввало ўзининг давлат бошқарув органи вакили эканлигини, одамлар унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, сўз оҳанги ва ташқи қиёфасига қараб бутун бу соҳага баҳо беришларини, унинг обрўси давлат обрўси эканлигини унутмаслиги керак.

2. Жисмоний ва юридик шахсларга мурожаат қилганда саломлашиш одобига тўлиқ риоя қилишлари, ўзини тўлиқ таништириши, сўнгра мурожаат қилиш сабабини ва мақсадини

тушунтириб, диққат ва сабр-тоқат билан уларни эшитиши керак.

3. Берилган барча саволларга, мурожаатчиларга хушмуомалалик билан жавоб бериши, уларга ётиғи билан тушунтириши, иложи борича ёрдамлашиши, имконият бўлмаганда эса тегишли маслаҳатлар бериши зарур.

4. Ходимлар жисмоний ва юридик шахсларга мурожаат қилганда, уларнинг талабини кутмасдан исм - шарифини ва иш жойини айтиши ҳамда хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт.

«Ўздавнефтгазинспекция» ходимлари жисмоний ва юридик шахслар билан муомала қилиш чоғида:

- димоғдорлик, манманлик, қўполлик қилиши;
- кинояли, дағал тарзда танбеҳ бериши;
- гапирганда инсон қадр-қимматини таҳқирловчи пичинг ва кочирик сўзларни ишлатиши;

- жисмоний ва юридик шахсларга асосланмаган айблар кўйиши ёки таҳдид солувчи ҳамда уларнинг қадр - қиммати, шахсини таҳқирловчи бошқа хатти - ҳаракатларга йўл кўйиш **қатъиян тақиқланади.**

5. Ходим текшириш мобайнида шахсий мунозараларга ва баҳсларга аралашмаслиги керак.

6. Ходим ишдан бўш вақтда мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан бефарқ бўлмаслиги керак. Уларга тўғри маслаҳатлар бериб, саволларига жавоб топиш учун имкон даражасида амалий ва маънавий ёрдам кўрсатиши зарур.

Жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш маданияти.

- жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш вақти аниқ белгиланган бўлиши, кимлар қандай масалалар бўйича қабул қилиши кўрсатилган бўлиши лозим;

- қабул қиладиган ходим ўзини камтарона тутиши, хизматта шайлиги жисмоний ва юридик шахсларга сезилиб туриши керак;

- ташриф буюрган жисмоний ва юридик шахсларнинг барча саволларига, шикоятларига тўлиқ жавоб бериш, жавобнинг тушунарли бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш керак;

- мурожаатга алоқадор мансабдор шахслар суҳбат чоғида иштирок этаётган бўлса, уларнинг барчасини жисмоний ва юридик шахсга

таништириш керак;

- жисмоний ва юридик шахс билан суҳбат чоғида уларга берилаётган жавоб аниқ ва ишончли бўлиши учун жавобни тегишли қонунлардан ва бошқа норматив ҳужжатлардан асослаш маҳсадга мувофиқдир.

- суҳбат давомида кўрилаётган масала ушбу идора ваколатига тааллуқли бўлмаса, фуқарога бу ҳақда ётиғи билан тушунтириб, тегишли идорага мурожаат қилиш мумкинлиги кўрсатилади;

- кўрилаётган масалани ҳал қилиш учун қўшимча маълумотлар, ҳужжатларни кўриш ёки муайян ташкилий тадбирларни ўтказиш зарур бўлса, бу ҳақда унга маълум қилинади ва масала ҳал этилиши лозим бўлган аниқ вақт белгиланади;

- жисмоний ва юридик шахслар билан муомалада бўлиш «Ўздавнефтгазинспекция» нинг ҳар бир ходими учун касбий, ахлоқий ва сиёсий етуқлиги синаладиган катта имтиҳон эканлигини ёддан чиқармаслик зарур.

Ходимлар нутқ маданиятида қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиши лозим:

а) сўз тартиби грамматика қоидаларига тўла асосланган бўлиши керак;

б) фикр содда, аниқ ва қисқа ифодаланиши керак;

в) фикр касбга доир терминлар асосида баён қилиниши зарур;

г) жаргонлар, оғзаки сўзлашув услубига хос сўзлар ишлатилмаслиги керак;

д) эскирган сўзлар ва ибораларни иложи борича ишлатмаслик ёки ўрнига қараб ишлатиш лозим.